

205 - وَعَنْ أَبِي زَيْدٍ أَسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ بْنِ حَارِثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «يُؤْتَى بِالرَّجُلِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيُلْقَى فِي النَّارِ، فَتَسْدِلُقُ أَقْتَابُ بَطْنِهِ، فَيَدْوُرُ بِهَا كَمَا يَدْوُرُ الْحِمَارُ فِي الرَّحَّا، فَيَجْتَمِعُ إِلَيْهِ أَهْلُ النَّارِ فَيَقُولُونَ: يَا فُلَانُ؛ مَالِكَ؟ أَمْ تَكُنْ تَأْمُرُ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَى عَنِ الْمُنْكَرِ؟ فَيَقُولُ: بَلَى، كُنْتُ أَمْرُ بِالْمَعْرُوفِ وَلَا آتَيْهِ، وَأَنَّهُ عَنِ الْمُنْكَرِ وَآتَيْهِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 3267، م 2989].

قوله: «تَسْدِلُقُ» هو بالدلالة المهملة، وَمَعْنَاهُ تَخْرُجُ، وَ«الْأَقْتَابُ»: الْأَمْعَاءُ، وَاحِدُهَا: قِبْطٌ.

205. Абу Зайд Усома ибн Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Қиёмат куни бир киши келтирилиб, дўзахга ташланади. Унинг қорнидаги ичаклари отилиб чиқади, у уларнинг атрофида худди эшак тегирмон тоши атрофида айлангандек айланиб юради. Дўзах аҳли унинг атрофида жамланиб, «Эй фалончи! Сенга нима бўлди? Ахир сен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармасмидинг?» дейишади. «Тўғри, яхшиликка буюрардиму, ўзим шуни қилмасдим. Ёмонликдан қайтарардиму, ўзим шуни қилардим», дейди» деганларини эшийтдим.

Муттафақун алайҳ.

**Шарҳ:** Ҳадиснинг тўла матни қуидагичадир.

Шақиқдан ривоят қилинади:

«Усома ибн Зайдга «Усмоннинг олдига кириб, гапирсанг бўлмайдими?» дейишиди. У шундай деди: «Сизнингча, унга фақат сизларга ҳам эшиттириб гапиришим керакми? Аллоҳга қасамки, мен у билан юзма-юз – биринчи бўлиб бошлагим келмаган нарсани (фитнани) бошламасдан – гаплашиб олдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Қиёмат куни бир киши келтирилиб, дўзахга ташланади. Унинг қорнидаги ичаклари отилиб чиқади, у уларнинг атрофида худди эшак тегирмон тоши атрофида айлангандек айланиб юради. Дўзах аҳли унинг атрофида жамланиб, «Эй фалончи! Сенга нима бўлди? Ахир сен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармасмидинг?» дейишиади. «Тўғри, яхшиликка буюрардиму, ўзим шуни қилмасдим. Ёмонликдан қайтарардиму, ўзим шуни қилардим», дейди» деганларини эшитганимдан бери менинг устимга амир бўлган бирор кишига «У одамларнинг яхшиси» демайман».**

Ўзи даъват қилиб, одамларни яхшиликка буюриб, аксини қилган. Ёки ёмонликдан қайтариб, ўзи уни бажо келтирган кишини тегирмон атрофида айланиб, қийинчиликка дуч келган эшакка ўхшатилмоқда. Чунки Аллоҳ таоло илмига амал қилмаган олимни Қуръонда қуидагича ўхшатиш қилган. «(Устларига) Таврот юкланган сўнгра уни кўтара олмаган (яъни, унинг кўрсатмаларига амал қилмаган кимсаларларнинг мисоли худди (устига ортиб кўйилган) китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди (яъни, бу кимсалар унинг визминлигидан чирчаб-толадилар-у, аммо у Китобнинг ичидиги нарсалардан фойдаланмайдилар)» (Жумъа сураси, 5-оят).

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

